

Ногиронлиги Бўлган Ўқувчиларни Жамиятга Мослаштиришнинг Замонавий Педагогик Услуглари Таҳлили (хорижий тажриба)

Мавжуда Ҳасанова

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи, мустақил
изланувчи

Аннотация: Мақолада ногиронлиги бўлган ўқувчиларни жамиятга мослаштириш (интеграциялаш) – инклюзив таълимнинг асосий мақсадларидан бири эканлиги, бу мақсадга эришиш учун замонавий педагогик услублардан фойдаланиш муҳимлиги масаласи таҳлил этилган.

Калит сўзлар: коллаборатив (ҳамкорликда) ўқитиш, соғлом ва ногирон болаларни аралаш гуруҳларда биргаликда ишлашга жалб қилиш, ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш, эмпатия, сабр-тоқат, бағрикенгликни шакллантириш, бир-биридан ўрганиш жараёнини рағбатлантириш.

Ҳар бир бола – жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, унинг ўқиш, ривожланиш ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ҳуқуқи мавжуд¹. Ногиронлиги бўлган ўқувчиларни таълимга жалб этиш ва уларни жамиятда фаол иштирок этувчи шахслар қилиб тарбиялаш — замонавий педагогиканинг муҳим вазифаларидан биридир. Бунинг учун махсус педагогик ёндашувлар ва услублар қўлланилади. Инклюзив таълим – соғлом ва ногирон болаларни бир хил шароитда ўқитиш ва ривожлантиришни кўзда тутди. Унинг устунликлари қуйидагилардан иборат:

- а) Ижтимоий интеграция таъминланади;
- б) Барча болалар тенг ҳуқуқларга эга бўлади;
- с) Таълим муҳитида бағрикенглик ва эмпатия шаклланади².

Ногиронларни жамиятга мослаштиришнинг энг самарали йўли сифатида инклюзив таълимни ривожлантириш кўплаб мамлакатлар сиёсатида устувор қилиниб, турли моделлар амалиётда қўлланиб келинмоқда. Жаҳонда инклюзив таълим бўйича йўналишларни шартли равишда уч моделга ажратиш мумкин бўлиб, булар “мейнстриминг” (умумий йўналишда ўқитиш), гибрид (аралаш) ва махсуслашган модел ҳисобланади.

Мейнстриминг – ногирон ўқувчиларни мутлақо тўлиқ равишда оддий мактабларда, соғлом тенгдошлари билан бирга ўқитишни назарда тутди. Гибрид моделда болалар бир мактабда ўқишади, имконига яраша умумий машғулотларда бирга бўлишади, лекин эҳтиёжга қараб баъзи дарслар учун алоҳида махсус дастурлар асосида шу болалар учун мослашган кичик

¹ Закон Республики Узбекистан «О правах лиц с инвалидностью» за №ЗРУ-641 от 15.10.2020г.
Онлайн-доступ: <https://lex.uz/ru/docs/5049549>.

² <https://lex.uz/docs/-3893416>

гуруҳларда шуғулланилади. Махсуслашган модел эса оғирроқ ва комплекс эҳтиёжли болалар учун алоҳида ихтисослашган мактаблар сақланишини кўзда тутди. Ҳар бир мамлакат тарихи, маданияти ва қонунчилигига қараб ушбу моделлардан бири устувор бўлиши мумкин, ёки бир неча моделнинг аралаш тарзда татбиқ этилиши кузатилади. Қуйида бир неча ривожланган давлатлар мисолида халқаро тажриба кўриб чиқилади.

Италия 1970-йиллардан бошлаб Италия ҳукуматининг сиёсати барча ногирон болаларни имкони борича умумтаълим мактабларига интеграция қилишга қаратилган. 1977-йилга келиб бу ерда махсус (алоҳида) мактабларнинг деярли барчаси ёпилди ва ҳозирги кунда ногирон болаларнинг атиги 1% қисми махсус мактабларда таълим олмақда, қолган 99% умумий синфларда ўқийди. Бундай натижа узоқ йиллик сиёсат ва қонунчилик асосида эришилган бўлиб, ҳар бир оддий мактабда ҳам ногирон болалар учун шароит яратиш талаб этилади. Италия инклюзив таълимнинг тўлиқ моделига яққол мисол бўла олади.

АҚШ федерал қонунчилик асосида инклюзив таълимни кенг жорий этган давлатлардан. 1975-йилда қабул қилинган қонун (IDEA) ҳар бир ногирон боланинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлади ва уларни “энг кам чекловчи шароит”да (яъни мумкин қадар оддий мактабда) ўқитишни мажбурий қилиб қўйди. Натижада мамлакат бўйлаб минглаб махсус синф ва мактаблар тугатилиб, болалар оддий мактабларга интеграция қилинди. Статистикага кўра, 2019-2020 ўқув йилида ногирон ўқувчиларнинг 65% дан зиёд қисми вақтларининг асосий қисмини (80% ва ундан кўпроғини) умумий синфларда ўтказмоқда. Шу билан бирга, АҚШда оғир ногирон болалар учун айрим махсус мактаблар ҳам сақланади, яъни керак бўлса гибрид моделга ўтилди. Ҳар бир бола учун ИТР ва кўшимча хизматлар мажбурий экани АҚШ тажрибасининг хусусиятларидандир.

Финляндия таълим тизими охириги ўн йилликда инклюзив таълимга кескин бурилиш қилди. 2010-йилларгача бу мамлакатда алоҳида ногирон болалар учун махсус дастурлар бўлган, баъзи ҳолларда улар бошқа мактабларга йўналтирилган³. 2011-йилдан бошлаб қонунчиликка ўзгартиш киритилиб, алоҳида ихтисослашган дастурлар бекор қилинди ва барча болалар учун ягона миллий ўқув дастури жорий этилди. Давлат махсус мактаблар сонини қисқартириб, маблағларни оддий мактаблардаги ресурсларга йўналтирди. Натижада бир неча йил ичида ногирон ўқувчиларнинг кўпроғи оддий мактабларда ўқий бошлади. Айни пайтда Финляндияда ногирон болаларнинг 39% тўлиқ интеграция қилинган (мейнстриминг), 51% гибрид тарзда (айрим махсус машғулотлар билан), ва фақат 10% атрофида болалар махсус мактаб-интернатларда қолмоқда. Бу ўзгаришлар учун давлат миқёсида эрта диагностикани яхшилаш, ўқитувчилар тайёрлаш ва ресурс марказлари ташкил этиш каби кенг чоралар кўрилди.

Германия федератив давлат сифатида инклюзив таълимда аралаш (гибрид) моделни қўллайдди. Қонун бўйича ҳар бир ногирон бола аввал бошланғич таълимни оддий мактабда бошлаш ҳуқуқига эга; шу билан бирга ота-она боласини махсус мактабга юборишни ҳам танлаши мумкин. Боланинг қайси муҳитда яхшироқ натижа беришини аниқлаш учун эрта босқичда тиббий-психологик баҳолаш орқали тавсия берилади. Ҳар бир вилояти (замини)да турли типдаги ногиронлик учун мослашган махсус мактаблар тармоғи сақланган (ақлий, сенсор ва эмотив ривожланишида нуқсонлар учун алоҳида). Шу тарзда Германияда бир вақтнинг ўзида ҳам инклюзив синфлар, ҳам алоҳида махсус муассасалар фаолият кўрсатади. Ота-оналар ва жамоатчиликнинг инклюзив таълимга муносабатига қараб, сўнгги йилларда оддий мактабларда ногирон ўқувчилар сони ортиб бормоқда, бироқ махсус мактаблар тизими ҳам қисман сақланиб келмоқда.

Юқорида маълумотлардан кўриниб турганидек, ривожланган давлатлар тажрибаси турлича моделларни ўз ичига олади. Италия каби баъзи юртларда тўлиқ интеграция қилинган инклюзив тизим устун бўлса, Германияда ҳар икки ёндашув бирга мавжуд. Кўпгина

³ Мелиева Ш. М. Инклюзивное образование в Узбекистане // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – №1(11). – С.32-33.

мамлакатлар эса гибрид моделни танлаган, яъни ногирон бола оддий мактабда ўқийди, фақат белгиланган вақтларда унга махсус мутахассис шуғулланади ёки алоҳида ресурс хоналарида дарс ўтади.

Британия мисолида, 2009-йилда CRPD (БМТ Конвенцияси)ни ратификация қилгач, давлат сиёсатлари янада инклюзив тамойилларга йўналтирилди; мактабларда “ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш координаторлари” лавозими жорий қилиниб, махсус таълим эҳтиёжли болаларга индивидуал ёндошила бошланди. Япония, Жанубий Корея каби Осиё мамлакатларида ҳам сўнгги йилларда инклюзив таълимга ўтиш жараёни кузатилмоқда – бунда улар Европа ва АҚШ тажрибаларига таянишмоқда⁴. Халқаро тажрибанинг бош сабоқларидан бири шуки: қонунчилик ва молиялаштириш инклюзив таълимни жорий этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аксарият юқори даромадли давлатларда ногирон ўқувчилар ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамланиб, давлат мактабларига қўшимча бюджет маблағлари ажратилади (масалан, синфда ногирон бола борлиги учун ўқитувчи тарифига устама қўшилиши, мактабга алоҳида моддий ёрдам берилиши каби). Шунингдек, жамоатчиликни хабардор этиш ва муносабатини ўзгартириш ҳам муҳимдир – инклюзив жамият барпо этиш учун аввало ҳар бир фуқарода ногиронлар тенг ҳуқуқли деган тушунча мустаҳкам бўлиши лозим. Бир сўз билан айтганда, тараққий этган давлатлар тажрибаси ногирон болалар таълими бу фақат таълим тизими эмас, балки кенг қамровли ижтимоий вазифа эканини кўрсатади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан уларнинг таълим олиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурлари қабул қилинди. Жумладан, 2018-йил 5-сентябрдаги Президент қарори (PQ-3931) орқали Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари белгиланар экан, ушбу ҳужжатда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши учун мослашув муҳитини яратиш устувор вазифалардан этиб белгиланди⁵.

2019-йил 29-апрелдаги Президент Фармони билан тасдиқланган 2030 йилгача Халқ таълимни ривожлантириш концепциясида ҳам ногирон болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифати ошириш мақсадида бир қатор вазифалар кўйилди – жумладан, махсус мактаб биноларига қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш, уларни зарур адабиёт ва ускуналар билан таъминлаш, шунингдек умумтаълим мактабларида инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, мактабларни пандус, кўтаргич қурилмалар ва тутқичлар билан жиҳозлаш, шунингдек махсус педагог кадрлар билан таъминлаш вазифалари белгиланди. Бу чора-тадбирлар инклюзив таълимнинг ҳуқуқий ва моддий заминини тайёрлашга қаратилган эди. Инклюзив таълимни тўғридан-тўғри жорий этишга қаратилган тарихий ҳужжат 2020-йил 13-октябрда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4860-сон қарори билан 2020–2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш Концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Ушбу қарорга мувофиқ, тажриба-синов тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрида биттадан умумий ўрта таълим мактабида инклюзив таълим синфлари ташкил этилиши белгиланди, шунингдек ҳар бир мазкур ҳудудда ногирон болалар учун бошланғич тайанч (коррекция) синфлар очилиши режалаштирилди. Масалан, Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани ва республика шаҳарларида 2021–2022 ўқув йилида камида битта мактаб инклюзив таълимга ўтди. Алоҳида эҳтиёжли болаларни аста-секинлик билан оддий мактабларга интеграция қилиш учун ҳар бир ҳудуд марказида ресурс марказлари, методик лабораториялар ташкил этиш кўзда тутилди.

⁴ Бут Т. Политика включения и исключения в Англии: В чьих руках сосредоточен контроль? // Социальная эксклюзия в образовании: Хрестоматия по курсу / Сост. Ш. Рамон, В. Шмидт; Московская высшая школа социальных и экономических наук. М., 2003

⁵ <https://lex.uz/docs/-3893416>

Шунингдек, қарор доирасида Халқ таълими вазирлиги тизимида “Инклюзив таълим лабораторияси” ташкил этилди ва унинг вазифалари белгиланди – жумладан, инклюзив таълимнинг методик таъминотини яратиш, педагог кадрларни ўқитиш, психологик-педагогик қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва хорижий тажрибани амалиётга жорий қилиш каби ишлар. Ушбу сиёсат натижасида 2021–2022 ўқув йилига келиб пойтахт Тошкент шаҳри ва вилоятларда жами 42 та мактабда инклюзив таълим синфлари очилиб, уларга 76 нафар ногиронлиги бўлган бола қабул қилинди. Бу ҳали оз кўрсаткич бўлса-да, бошланган ишнинг амалий натижаси сифатида муҳимдир. 2021-йилда Ўзбекистон ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида яна бир муҳим қадамни ташлади – 7 июнь куни Олий Мажлис “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилди ва шу билан мазкур халқаро шартнома мамлакатимиз учун 2021 йил 28 июлдан кучга кирди. БМТ Конвенцияси инклюзив таълимни ногиронларнинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида тан олади ва давлат ўз зиммасига уларни таълимдан четда қолмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Конвенция қоидаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистонда 2022–2026 йилларга мўлжалланган ногиронларни қўллаб-қувватлаш бўйича Миллий дастур қабул қилинди. Шунингдек, 2021-йил июнь ойида “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги янги қонун кучга кириб, унда ногиронларнинг таълим олиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат кафолатлари мустақамланди (бунда ҳатто олий таълим муассасаларида ҳам ногирон талабалар учун масофавий таълим ёки алоҳида шароит яратиш белгиланди)⁶.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳукумати инклюзив таълимни ривожлантиришга сўнгги йилларда жиддий эътибор қарата бошлади. Ҳозирда 2020–2025 йиллар Концепцияси доирасида белгиланган мақсадларни амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Инклюзив таълим лабораторияси янги услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш билан шуғулланмоқда. 2023–2024 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир туманда камида бир мактабни инклюзив таълимга ўтказиш режаси илгари сурилган. Шунингдек, инклюзив таълим синфларида ишлайдиган ўқитувчиларга ҳар ойлик қўшимча устама ҳақ тўлаш тизими жорий қилинди – масалан, синфда бир нафар алоҳида эҳтиёжли бола бўлса маошининг 10% миқдоридан, икки нафар бўлса 20%, уч нафарга 30% устама тўланади. Бундай моддий рағбатлар педагоглари инклюзив методларни ўзлаштиришга қизиқтириши кутилмоқда. Инклюзив таълимни қўллаб-қувватлашга маҳаллий ҳамжамият ва нодавлат ташкилотлар ҳам жалб этилмоқда – айрим жойларда ихтиёрий равишда ногирон болаларга “дўст” бўлиб бириккан соғлом тенгдошлар, волонтерлар ҳаракати йўлга қўйилган.

Ногиронлиги бўлган ўқувчиларни жамиятга мослашувчанлиги таъминлаш – уларнинг тўлақонли таълим олиши, тенгдошлари билан бир қаторда ижтимоий жараёнларда иштирок этиши ва мустақил ҳаётга тайёрланиши демакдир. Юқорида кўриб чиқилганидек, бу йўлда ҳали турли муаммолар мавжуд бўлса-да, замонавий тенденциялар умидбахш натижаларни кўрсатмоқда. Инклюзив таълимга ўтиш, туюторлик ва индивидуал ёндашувларни қўллаш ногирон болаларни изоляциядан чиқариб, жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қиляпти. Ахборот технологиялари эса улар учун янги дунёларни очиб бериб, ўрганишни енгил ва қизиқарли қилаётир. Ривожланган давлатлар тажрибаси қонунчилик, молия ва маърифий ишларни уйғун олиб бориш орқали инклюзив жамият барпо этиш мумкинлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда қабул қилинган сўнгги қарорлар бу йўлдаги муҳим қадамлар бўлди – энди уларни амалга ошириш, яъни мактабларда инклюзив муҳитни реал яратиш, ҳар бир болага ўз салоҳиятини намоён этиш имконини бериш давр талаби ҳисобланади. Мутахассислар таъкидлаганидек, инклюзив таълим фақат педагогик-ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки кенг маънода адолатли ва инклюзив жамият барпо этишнинг асосий омилларидан

⁶ Социально-психологические проблемы образования нетипичных детей. Саратов: Издательство Педагогического института СГУ, 2002. С. 15-21.

биридир. Демак, ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим олиши ва жамиятга интеграцияси масаласи ҳар биримиздан эътибор ва қўмак талаб қиладиган, жамият фаровонлигига дахлдор муҳим вазифадир. Инклюзив таълимни ривожлантириш орқали биз жамиятимизнинг барча аъзолари учун тенг имконият ва раванқ йўлида янги натижаларга эришамиз.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Социально-психологические проблемы образования нетипичных детей. Саратов: Издательство Педагогического института СГУ, 2002. С. 15-21.
2. Мелиева Ш. М. Инклюзивное образование в Узбекистане // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – №1(11). – С.32-33.
3. <https://lex.uz/docs/-3893416>
4. Алехина С. В., Алексеева М.Н., Агафона Е.Л. Готовность педагогов как основной фактор успешности инклюзивного процесса в образовании // Психологическая наука и образование. – 2011. – Том 16. – №1. – С.83-92.
5. Закон Республики Узбекистан «О правах лиц с инвалидностью» за №ЗРУ-641 от 15.10.2020г. Онлайн-доступ: <https://lex.uz/ru/docs/5049549>.
6. Бут Т. Политика включения и исключения в Англии: В чьих руках сосредоточен контроль? // Социальная эксклюзия в образовании: Хрестоматия по курсу / Сост. Ш. Рамон, В. Шмидт; Московская высшая школа социальных и экономических наук. М., 2003